

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ


Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 23-iyul • № 30 (4065)

## ФАХРИМИЗ, ГУРУРИМИЗ

Хар бир инсон, миллат ва халқ тақдирини бевосита белгиладиган хос сўзлар бор. Улар бани башар лисонидида ҳаммиша қадрли, аҳамиятли бўлиб, ўзига хос жаранг касб этади. Мустақиллик, Истиқлол ва Озодлик каби ўзаро боғлиқ тушунча ва сўзлар шулар жумласидан.

Барчамиз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлган Истиқлолимизнинг хар бир санаси ҳам халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида мамлакатимизда хар йили кенг нишонлаб келинади.

Аслини олганда, абадиёт ва югурик вақт олдида инсон умри киприк қоқулик фурсатга тенг. Доғишманлар умрининг олтин онларини улуг ва хайрли ишларга сарфлаш, унинг бирор лаҳзасини беҳуда ўтказмаслик борасида қанчадан-қанча пурҳикмат нақлар айтишган. Зеро, ҳаёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқ воқеа-ҳодисалар силсиласидан иборатдир.



нмиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасидада ривожланиш, юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Не бахтки, бундан ўн тўққиз йил муқаддам экилган Мустақиллик ниҳоли бугун тобора гуриқраб ўсиб, кўкка бўй чўзмоқда. Утаётган яна бир йилмиз эса юртимизнинг шонли саналарига бағишланган шодиёналарга кенг қучоқ очаётгани билан қадрлидир. 2010 йил — Баркамол авлод йили Ўзбекистонимиз ҳаётида катта ўзгаришлар, хар томонлама юксалишларга бой бўлмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қуламли ислохот ва янгиликлар мазмун-моҳиятига кўра, юрт тинчилиги, эл фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад ва мудодаларимизга ҳамоҳанг эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўтган йили пойтахтимизда «Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий келюхотлар: бугунги аҳвол ва истиқлол» мавзусида ўтказилган халқаро давра сўхбатига иштирок этган туркиялик журналист Исмадуллох Ясавий кўплаб экспертлар қатори мамлакатимизда амалга оширилаётган эътиборга молик ислохотлар хусусида шундай деган эди: «Агар Ўзбекистонда истиқлол йилларида босиб ўтилган салмоқли йўлни босқичма-босқич кўз олдимизга келтирсак, ушбу кикса давр мобайнида жуда улкан ва беқикёс тараққиётга эришилганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда юксак марралар забт этилгани аён кўзга ташланиб турибди.

Мустақил тараққиёт йўлимиз Вата-

Давоми иккинчи саҳифада.

## “ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!”

Нафақат Ватан сўзи, балки бу сўз замиридаги туйғунинг ўзи инсон учун бебаҳо қадриятдир. Шунинг учун бўлса керак бу туйғу гўзал кўйларга кўса, сарафроз оҳангларда янграса, дилларга ажиб хушундик бағишлайди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими бадий жамоалари ижрочилари ўртасида Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўшиқлар танлови ҳам қалбларга ватан сеҳри ва тароватини қайта олиб кирди, десак муболага бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, Она-Ватанини улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидокорона яшаш каби эзгу туйғуларни ўсиб келаятган ёш авлод қалбига камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдирини учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган

мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишга қаратилган рағбатлантириш мазкур танловнинг саралаш босқичлари юқори савияда ташкил этилиб, кўплаб янги истеъод эгаларини юзага чиқармоқда. Бунда нафақат янги овоз соҳиблари, балки шеъринг ва мусиқа йўналишида ижод қилаётган янги номлар ҳам кашф этилапти. Энг муҳими, Ватан ҳақидаги, унинг кеқис қадр-қиммати ва шону-шавкатини мадҳ этувчи кўшиқлар яралмоқда.

Дастлаб саралаш босқичларида олти мингдан ортиқ иштирокчи қатнашган бўлса, консерваторияда бўлиб ўтган босқичда эллиқдан зиёд иштирокчи ва бешта жамоа ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Фолиблар танловнинг республика босқичига йўлланима олишди.

Саида МАНСУРОВА



Даврон АХМАД олган сурат.

Оиласи ва юртини обод айлағай фермер

Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканини назарда тутсақ, у шу халқнинг фарзандлари, келажак авлод қалбига фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалиғича етказиб беришдан иборат”. Бу вазифани замон талаби асосида баҳарлиш ҳамда музейлар фа-

ислохотлардан кўзланган мақсад, музейлар ишини ташкил этишда халқаро тажриба ҳамда амалиёт каби мавзуларда маруза ва сўхбатлар ташкил этилди.

Бундай курслар келгусида музейлар фаолияти самардорлигини оширишда ва музей ходимларининг халқимиз маънавий оламини бойитишдаги имкониятларини янада кенгайтиради.

Малака ошириш курсларида музейлар ишини ташкил этишда халқимиз руҳияти ва аъналарини давом эттириш масаласига

## ТАРИХ КЎЗГУСИ

### Музей ва замон

олиятини такомиллаштириш шу соҳа вақилларидан катта иқтидор ва салоҳият талаб этади. Шунинг назарда тутиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музей раҳбарлари ва ходимлари учун июл ойида икки ҳафталик маҳсус малака ошириш курслари ташкил этди.

Бугунги тезкор даврда замонавий ахборот тизимидан самарали фойдалана олиш музей ходимларининг иш унуми ошишига бевосита ёрдам беради. Негаки, ёш авлоднинг салоҳият ва имкониятлари, дунёқарашини тобора кенгайтириб бормоқда. Улар илғор ахборот технологиялари воситасида билим доираларини мунтазам кенгайтириб бораётганларини назарда тутсақ, музейларда бериладиган маълумотларнинг бугунги кун даражасида эмаслиги аён бўлиб қолади. Шу маънода курсларнинг Ахборот-технологиялар ўқув марказида ўтказилгани аниқ мудоа бўлди. Бу ерда ходимларга компютер ва турли ахборот дастурлари ҳамда интернет тармоғидан самарали фойдаланиш йўлига ўргатилди.

Курсларда, шунингдек, музейлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган

алоҳида эътибор қаратилди. Бугун жаҳонда ахборот тезлиги ошганлиги ва таъсири шиддатлироқ бўлаётгани барчага аён. Миллий ўзлгимизга раҳна солувчи, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданиятнинг” таъсир доираси, шубҳасиз, кенгайиб бормоқда. Ана шундай шароитда маънавиятнинг шакллантиришда маданий-маърифий муассасаларнинг ёрдамида янада кўпроқ эҳтиёж туғилиши табиий. Шу боис музей ходимлари учун ташкил этилган малака ошириш курсларида музейлар ишини жонлантириш, уларга янада кўпроқ аҳолини, айниқса, ёшларни жалб қилишнинг янги усул ва йўналишлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Бинобарин, интернет тармоғи ёки ахборот тизимлари, ёхуд ўзгача воситалар ёрдамида ёшлар онгига салбий таъсир этувчи ёт гоғларга қарши фақат асрлар давомида шаклланган қадриятларимиз, миллий ўзлгимиз, бир сўз билан айтганда, маърифат билангина самарали курашишимиз мумкин.

Бундан бун курслар мунтазам ташкил этиб борилади ва уларга музейларнинг раҳбар кадрлари ҳамда ходимлари жалб этилади.

### ЯНГИ РУКН:

## Навқирон авлод сўзи

Ватан истиқболни бугунги ёшларга, уларнинг ғайрат-шижоати, билим ва қобилияти, салоҳиятига боғлиқ. Баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган айни даврда келажакимиз эгалари хар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб воёга етишлари учун барча шарт-шароит, имкониятлар муҳайё этилган. Ижодкор ёшларнинг хар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, кўрсатилаётган кенг қулагдаги рағбат уларнинг иқтидори барқ уриб очилишига омил бўлаётди.

Биз бугунги ижод жараёнда фаоллик кўрсатаётган, санъат, адабиёт ва спортнинг барча йўналишларида, жанр ва турларида ўз имкониятларини намойён этишга интилаётган навқирон авлод вақилларига сўз бериш мақсадида янги рукн ташкил этдик. Ушбу рукнда ёш ижодкорларнинг фикр-ўйлари, орзу-режалари, мулоҳазалари мунтазам ёритиб борилади.

ТАХРИРИЯТ

1. Сиз ижод моҳиятини қандай тасаввур қиласиз?
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

## КУЙ — ГЎЗАЛЛИК, ЭЗГУЛИК ДЕМАК

Рукнимизнинг илк меҳмони истеъодли ёш дирижёр Азиз Шохакимов. У Успенский номидаги мусиқа академик лицейида таҳсил олган. Бу йил Ўзбекистон давлат консерваториясини опера-симфоник дирижёрлиги бакалаврияти бўйича тугатди. Германияда ўтган Густав Малер номидаги нуфузли халқаро танловда II даражали мукофот билан тақдирланган. Франция, Украина, Исроил каби давлатларда, Россиянинг ўн бешта яқин йирик шаҳарларида ўтган симфоник оркестрлар фестивалларида муваффақиятли қатнашган.



Давоми бешинчи саҳифада.

дир. Улар орасида В.Кокотов, В.Ермаков, А.Жумаев, Л.Аметов, М.Головцов, И.Содиқов, В.Жирнов ва бошқалар бор. Фоторассомлар она юрт манзаралари, ноёб меъмори-

### Кўргазма залларида



## ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган “Давр билан ҳамоҳанг байрам” кўргазмасида юртимизда яшаб ижод қилаётган сураткаш рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон фоторассомлар шўъбаси аъзоларининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлган мазкур кўргазма Халқаро фотография кунига бағишланди. Фоторассомлар шўъбаси Бадий ижодкорлар уюшмасида 2000 йили ташкил этилган эди. Унинг аъзолари кўплаб халқаро кўргазмалар, танловлар совриндорлари-

рий обидалар, замондошларимизнинг қиёфалари ва қайноқ фаолиятларини суратларга муҳрлаганлар. Тоғмошбинни қадрдон манзаралар, бетакрор қиёфалар билан ошно этувчи бу экспозициядан мамлакатимизнинг С.Спиридонов, И.Содиқов, А.Жумаев, Р.Шарипов, В.Шлосберг, С.Канаки, В.Жирнов, С.Дехқонов каби таниқли фоторассомлари асарлари ўрин олган.

Камола МИРШАЕВА  
А. ПОПОВ олган сурат.

## БЕҲБУДИЙНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам аққол намойён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.

Масалан, чоризм мустамалакеси даврида маърифат гоҳсини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-ҳаловатидан кеқиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққиёт топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида маърифат гоҳсини беҳиш улуғлаган жадид боболаримиз сифатининг энг аввалида Маҳмудхўжа Беҳбудий номининг тилга олинishi беҳиз эмас. Беҳбудий 1918 йили шўролар томонидан ваҳшийлари бостирилган Туркистон мухториятининг гоҳвий асосчиларидан бири бўлиб, мамлакат ичкарисидида ҳам, ундан ташқарида ҳам обрў-

этибори ниҳоятда баланд эди. Бухоро ва Хива хонлиқларини босиб олиш учун зимдан таратдуд қўраётган большевиклар маърифат ва миллий озодлик гоҳиси билан яшаган Беҳбудий сингари буюк сиймолардан хавф-сирарди.

“УзАС”нинг 2008 йил 22 август сонидида эълон қилинган “Беҳбудийнинг сўнги кунлари” мақола-мизда Қашқадарь вилоят архив ишлари ҳудудий бошқармаси ха-

### Қатгаон қурбонлари хотираси

тўполонлар даврида миллатнинг ўзлгини англаш жараёнига оловдан қўрққандади ҳадиксираб қараган озодлик душманлари томонидан Сирхундавида равишда ўлдирилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўнги манзили қаердалиги кўп муаллифлар томонидан ўртага қўйилган бўлса-да, ҳануз бир тўхтама келинмаган.

Беҳбудий мураккаб сиёсий даврда фаолият кўрсатган эди. Бир тарафдан Россиянинг вассал тарихисидида мустақил ҳукм суриб келаятган Бухоро амирлигини бутунлай кўз остига олиш харакатини кучайтириши, иккинчи ёқдан амирлик ичидида эълилар норозилиғи ўсиб, “Еш бухориликлар”нинг тузумни ағдариш-

Давоми иккинчи саҳифада.







**Мақом ва катта ашула санъати ноёб хазина бўлиб, бу санъатнинг яратилиши ва сайқал топиши авлодларнинг юксак бадиий тафаккури билан боғлиқ. Бинобарин, мақом йўллари ва катта ашулаларда халқимиз қалби акс этган. Устозлар ижросидаги чолғу куйлар ва мақом ашулалари, ҳамнафаслик аъёнлари билан сугорилган катта ашулалар ҳозир янги талқинда ижро этилмоқда. Мумтоз мусиқамизнинг нодир хазинаси бўлиб «Шашмақом» ва Катта ашула 2003 — 2009 йиллари ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдоналари» деб тан олинди, Умумжаҳон рўйхатиغا киритилиши ўзбек мақом ва ашула санъатига қизиқиш дунё миқёсида тобора ошиб бораётганидан далolatдир.**

Юртимизда ўтказилган мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочиларининг кўрик-танловларида ноёб меросимиз аъёнларини яхши эгаллар кўйлаб истеъдод эгалари кашф этилмоқда.

Яқинда Андижон шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий ҳамда ахборот маркази, Андижон вилояти ҳокимлиги, бир қатор жамғармалар ва ташкилотлар ҳамкорлигида навбатдаги танлов ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан вилоят босқичида ғолиб деб топилган 200 дан ортиқ қатнашчиси бўлган 12 та мақом ансамбли ва кат-

## МАҚОМ ВА КАТТА АШУЛА ТАНЛОВИ



Бошланиши биринчи саҳифада.

1. Менимча, ҳар бир одам ўзи танлаган соҳасига ижодий ёндашиши керак. Агар шундай бўлмаса, математика, физика ва шу каби бошқа фан соҳаларида ҳам буюк кашфиётлар юзага келмасди.

Биз «Гўзаллик дунёни кутаради», деган иборани бот-бот такрорлаймиз. Аслида инсон Аллоҳ яратган табият ва унинг неъматларини янада гўзал қилиш учун дунёга келади, деб ўйлайман.

Гўзаллик яратиш учун эса ҳар бир одам ўз касбини бутун борлиги билан яхши кўриши керак, назаримда. Айни вақтда бошқа соҳаларга бегисандлик билан қараб бўлмайди. Масалан, дирижёр сифатида менга фақат мусиқий савод, композиторлик, созандалик, қўшиқчилик ижодиётдан ҳабардор бўлишнинг ўзи камлик қилади. Оркестр билан, одамлар билан ишлайман. Шунинг учун психология, менежерлик, педа-

гогика, эҳтимол, нотикликдан ҳам ҳабардор бўлиш зиён қилмайди.

Кўпинча мендан дирижёрликни танлаганимнинг сабабини сўрашади. Аввало, бу соҳага қизиқишимда устозим, таниқли дирижёр Владимир Борисович Неймернинг хизмати катта. Очиғи, даставвал скрипка чалар эдим. Кейинчалик қўшиқ айтишга ҳавасим ошди. Шунда мени устозим дирижёр бўлишга ундади. Энди билсам, асли шу соҳага лаёқатим кучлироқ экан.

Куй инсонни эзгу орзулар, яхшилик, гўзаллик сари етаклашини, мусиқа маънавий озуқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, классик мусиқанинг инсон маънавиятини бойитишдаги роли катта. Шу маънода мен классик мусиқанинг асосий тарғиботчиси бўлган симфоник

оркестр дирижёрлигини танлайдим.

2. Ижодий жараён узлуксиз давом этадиган ҳодиса. У биздан олдин ҳам бўлган, биздан кейин ҳам давом этади. Айниқса, бугун юртимизда ҳар бир одам ўз имкони-

## КУЙ — ГЎЗАЛЛИК, ЭЗГУЛИК ДЕМАК

ятларини намоён этиши учун эшиклар кенг очилган. Тенгдошларимга бу борада кўйлаб қулайликлар, шарт-шароитлар яратиб берилган. Шахсан ўзим отам-онам, ақинларим, давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ўз ўрнимни мустақамлаб олишга ҳаракат қиляман. Ҳамкасб тенгдошларим орасида ҳам бундайлар кўп.

Лекин ёш истеъдодларнинг ижодий жараёнининг катта қозонида ўз ўрнларини топиб олишлари осон кеч-

майди. Ижодда юксакларга парвоз қилиш, жаҳон миқёсида эътироф қозонишни ўзи бўлмайди. Бу борада ёшлар бу ҳар томонлама — ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак зарур. Агар бу ишга юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳам беш кўшсалар, бу борадаги ютуқларимиз янада кўпаяди, деб

ўйлайман.

Болаликдан мусиқа нима, опера, балет, мақом, катта ашула, эстраданинг бир-биридан фарқи, тасвирий санъатнинг жанр ва турлари ҳақида дастлабки маълумотлар бериб борилса, шу-бҳасиз, боланинг дунёқарashi кенгайиб, тасавури улғайиб боради. У келажакда, албатта, мусиқачи ёки расоло бўлмаса ҳам, ижодий жараёнга фаол аралашшига, баҳо беришга, ҳеч бўлмаганда ижод намунасини тушунишга қодир шахс бўлиб

боғлиқ. Шу маънода Андижон, Фаргона ва Хоразм вилоятларидан қатнашган мақом ансамбллариининг дастури ва ижрочилик маҳорати кўпчиликлари манзур бўлди.

Ижро дастурлари, овоз ва чолғулар уйғунлиги, сахна либослари ҳамда юқори ижро маҳоратлари билан иштирок этганликлари учун Андижон шаҳар маданият уйи қошидаги мақом ансамбли олий ўринга сазовор бўлди. Фаргона вилояти Расулқори Мамадалиев номидиги ва Хоразм вилояти М. Шерозий номидиги мақомчилар халқ ансамбллари биринчи, Навоий вилоятининг «Наво» ва Тошкент вилояти мақомчилар ансамбллари иккинчи, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани, Самарқанд тумани «Шашмақом» ва Сирдарё вилояти «Наврўз» мақомчилар ансамбллари учинчи ўрнини эгаллади.

Катта ашула ижрочилиги бўйича биринчи ўрин Н. Аҳмедов ва Ш. Исоқов (Фаргона вилояти), Х. Ҳасанов, Р. Маматқулов ва А. Абдуллаевга (Андижон шаҳри), иккинчи ўрин Турдиали Шарипов раҳбарлигидаги «Чоргоҳ» гуруҳига (Фаргона вилояти), Й. Тиллабоев ва А. Комилова (Наманган вилояти), учинчи ўрин С. Сапаев (Қорақалпоғистон) ва У. Ҳамидовага (Сирдарё) берилди.

Кўрик-танлов шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда ҳаваскор мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочилари аънавий мусиқа меросимиз ва ижрочилик маданиятининг асосий тарғиботчилари бўлиб қолмоқдалар. Вилоятларда ташкил топган жамоалар мақом ва катта ашула ижрочилиги аънаваларини давом эттириб келмоқдалар. Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон ва Тошкентда болалар мақом ансамбллари ташкил этилиши кувонарли ҳолдир. Шунинг назарда тутиб бу йил Тошкентда ёш хонандалар ва болалар мақом ансамбллари фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ

## МУСИҚА, МАТН ВА ИЖРО

Машҳур опера хонандаси Муслим Магомаев ижодининг энг юқори чўққисидан тўсатдан қўшиқ куйлашдан тўхтаган экан. Нега бундай қилдингиз, деб савол беришганда, у бундан кейин ижро этадиган қўшиқларининг ҳаммаси санъатнинг юқори кўтарилиши учун эмас, балки унинг таназуулига хизмат қилиши мумкин, деб жавоб берган. Бу ижродда нафақат асл санъаткорнинг тантилиги, балки унинг санъатга чекизи ҳурмати ҳам мўжасамдир. Дарҳақиқат, санъаткор юрт шарафини кўтарувчи ва кенг афкор оммани ўз халқи санъатидан баҳраманд этувчи шахс. Санъаткор — миллат кўзгуси, санъат — унинг қалби...

Яхши қўшиқ яратиш учун савияли матн, овоз ҳамда яхши оҳанг ҳам бўлиши керак. Зеро, бу учлик уйғунлашган ҳолда мукамал санъат асари яратилади. Мусиқий меросимизда юқори савияли, профессионал маҳорат билан куйланган асарлар билан бирга, матн саёз, ижро услуби жўн қўшиқлар ҳам учраб туради. Бугунги эстрада қўшиқчилигининг муаммолари жиҳати ҳам ана шу нуқтада намоён бўлади. Кузатсангиз, ёш қўшиқчиларда матн танлаш салоҳияти, маънони англаш ёхуд уни ҳис қилиш қобилияти бироз оқсаётгандек... Баъзан ижро тўзук, аммо қўшиққа танланган шеър саёз. Баъзан эса унга ишланган клип ҳақида илқ қир билдириш қийин. Қолаверса, ҳозир фақат таёёр мусиқа учун шеър ёзадиган «шоирлар» пайдо бўлган.

Хонандалар энгил-елпи томошалар, беушхов та на ҳаракатларию ёввойисомон рақсларга ургу бериш орқали эътибор қозонмоқчи бўлишадди. Бунда яхши сўз, яхши мусиқа ўрнини ҳар хил «кўча сўзлари»ю, олдиқочди хайқириқлар кўпайиб бораётгани ҳам сир эмас. Шунингдек, баъзи ҳаваскорлар ижро этган қўшиқларда адабий тил мейёрларидан йироқ шевага хос сўзлар, варваризм (ўзга тиллардан ноқонуний ўзлашган сўзлар), вулгаризм (қариш сўзлари), жаргонлар (франц. «бўзилган тил» деган маънони англатиб, бирор иқтимоий гуруҳга мансуб кишилар ишлатадиган сўзлар), арголар (маълум бир тўда кишиларига хос бўлган яширин сўзлар) ҳам учрайди. Бунинг сабабини кидирсангиз яна муаммага дуч келаверасиз. Бундай сўзлар ҳар кун, кунора такрорланаверса, киши шунрига ўз-ўзиндан ўрнашиб қолади. Оқибат, томошабин эстетик диддини бузувчи, маънавий саёзликка олиб боровчи вазият вужудга келади.

«Ўзбекинав» эстрада биллашмасида «Шоир, бастакор ва хонанда иштирокидаги ижодий учлик ҳамкорлиги» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилди. Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо бошқариб. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими Давлат Муллажонов, Маданият ва спорт ишлари вазирини Анвар Жабборов, вазирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев, «Ўзбекинав» эстрада биллашмаси раиси Азамат Ҳайдаров, таниқли ёзувчи ва шоирлар — Мирпўлат Мирзо, Ахтамкул Карим, Мухиддин Омон, бастакорлар — Рустам Абдуллаев, Х.Раҳимов, шунингдек, хонандалар ҳамда журналистлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Яратилаётган қўшиқларнинг бадиий савиясини ошириш, мусиқий рит-

мини мукамаллаштириш учун хонандаларнинг профессионал шоирлар ва бастакорлар билан ижодий ҳамкорлигини кенгайтириш лозим. Қўшиқлар матнидаги «Ватан» сўзининг такрорий буюқдорлигига ортиқча ургу бермасдан унинг ўзига хос қиёфаса, янгица маъно кирраларини очишда сўз санъати имкониётларидан янада кенг ва самарали фойдаланиш янги қўшиқларнинг аксариятида ё маъно танқислиги, ёхуд ижро жўнлиги кузатилади. Бундай қўшиқларни такрор эшитавериш қалб гўзаллиги эврилишига олиб бориши мумкин. Фақат шу «оханг» ёрдамида тарбия топган қалбда санъатни тушуниш ва ундан лаззатланиш ҳисси ҳам тобора майдаллашиб бораверади. Бу муаммони бартараф этиш қачон ҳаваскорлар санъати миллат кўзгуси бўлолмайди. Афсуски, кўпгина хонандалар ҳаваскорлигича қолиб кетишади. Уларнинг энг катта камчилиги — мусиқий саводсизлиги. Бу ўринда уларнинг етуқ мусиқа даргаларимиз яратиб кетган ижро мактабларидан хабардор эмаслигини назарда тутишимиз лозим. Масалан, мақом қўшиқчилигининг ўз усуллари бор. Бошқа ҳеч бир халқда учрамайдиган «Сувора» куйининг замонавий ижросини топиш керак. Бундай мисолларни кўйлаб келтиришим мумкин. Хонандаларимиз олдида маънавий меросимизни тўла ўрганиши ва тарғиб қилиши вазифаси турибди.

Ҳозир республика миқёсида «Нихол» мукофоти, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Энг улуг, энг азиз» каби кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани бежиз эмас. Бундан мақсад — иқтидорли қўшиқчиларни кашф этиш ва улар катта сахнада ўзларини намоён қилишлари учун замин ҳозирлашдан иборат.

Шуни ҳам эътиборга олиш кераки, юқорида айтилганидек, масаланинг амалий ечимини топиш учун бадиий кенгашлар фаолиятини мукамаллаштириш зарур. Афсуски, баъзи ҳолларда бундай кенгашлар фаолиятида таниш-билиш, ўзибўларчилик ҳолатлари кўзга ташланади. Улар халқ олдидаги масъулиятларини ҳар дақиқа ҳис қилиб ишлаши зарур. Шу билан бирга, хонандаларнинг профессионал бастакорлар ва шоирлар билан ижодий ҳамкорлик ўрнатилиши яхши асарлар яратилишига олиб келади.

Шоирлар, бастакорлар ҳамда хонандалар иштирокида ўтган давра суҳбати эркин фикр алмашиш ва ўзаро мулоқот тарзида кечди. Тадбирда иштирок этган ёш хонандаларнинг аксарияти муаммага бефарқ қарашмади. Хонанда бир вақтнинг ўзига санъатни дилдан севадиган асл муҳлис ҳам бўла олиши керак. Ана шундагина муаммонинг ечимига йўл топиш мумкин.

Ш.ХИДИРОВА



Қадрият ва аънавалар миллатнинг ўзлиги, маънавий қиёфасини белгиловчи восита. Улар халқларнинг ўзаро дўстона муносабатларини мустақамлашга қаратилган бўлса янада қувончи. Пойтахтимизнинг Бобур номидиги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир ана шу жиҳати билан

спорт мусобақалари, байрам дастурлари, халқ оғзаки ижоди танловлари бўлиб ўтди. Уларда қатнашган ёшлар ўз маҳоратларини намоёйиш этдилар.

Мусиқа ўқитувчиси А.Абдурахмонова байрам таассуротлари ҳақида шундай деди: «Халқимизнинг урф-одатлари ва қадриятлари, маданий меросини замонавийлик мезонлари асосида уйғунлаштириш, шубҳасиз, яхши натижа беради. Зеро, аънавалар ва урф-одатларни англаб етиш ҳамда тақомиллаштириш давр талаби. Ёшлар қалбида ватанпарварлик ва келажакка ишонч туйғуларини кучайтиришда бундай байрамларнинг ўрни катта».

Тадбирда янграган ўзбек, татар, бошқирд ва рус халқ қўшиқ ва рақслари йиғилганларга манзур бўлди.

«Сабантўй» давомидида республикамизнинг барча ҳудудларида турли

Ф.ФАХРУТДИНОВА

## РАНГЛАРДАГИ ҲАРОРАТ

Турсунпўлат Ўроқов юртимизнинг салоҳиятли мусаввирларидан бири. У ҳиҷаяжонлари, қалб кечинмаларини ранглар орқали матоларга муҳрлаб келади. Ҳар бир янги асари, ташкил этаётган кўргазмалари унинг ижоди ўсиб бораётганидан далolat беради.

Расмоннинг Сурхондарё кўғирчоқ театрида, Р.Чориев галереясида ташкил этилган шахсий кўргазмаси бу фикрни яна бир бор тасдиқлади. «Баркамоллик ранглар жилосида» деб аталган бу кўргазмага расмоннинг йигирмага яқин асари кўйилган. Уларда ранглар уйғунлиги, мавзу, манзара, ҳолат ва чизгилардаги фавқуллода топқирлик ҳар қандай нозик дидли томошабинни ўзига тортади. Бунга мусаввирнинг «Қизилгул кишлони», «Пошхурт теракларни», «Қишлоқ гу-жумлари», «Етимтоғда баҳор» каби асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳар бир асарда табиат, инсон, коинот ва боқийлик муштарак ранг, чизгиларда берилганки, улар яхлит фалсафий маъно касб этган. Бу ҳол, айниқса, «Соқинлик», «Оқшоқ қишлоғи» асарларида яққол кўзга ташланади.

Шуниси эътиборлики, ҳар бир картина бири иккинчисини тўлдирди. Тасвир ва ҳолат ифодасидаги ранглар шунчалик нозиклик билан уйғунлашганки, рангта-свир ортидан гўҳ маҳзун, гўҳ қўшқин мум-тоз симфоник оҳанг қўлоққа чалингандай бўлади. Расмоннинг «Кун бошичи», «Қуз», «Қуз мусиқаси» картиналари ва натюрморتلари томошабинда шундай кайфият уйғотади.

Р.Ўроқов Р.Чориев асос солган Сурхондарё расмонлик мактаби тақрибалари, аънавалари, Сурхон колоритига хос ранглар ва тасвир йўсинига таяниб, устозларга содиқ қолган ҳолда европача замонавий услубни моҳирлик билан уйғунлаштиришга эришган. Бунга «Мен Термизданман», «Сурхон манзараси», «Тала-баллик — олтин даврим» каби

асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шунингдек, натюрморт ва табиат манзаралари тўртбурчак эмас, матода мойбўёқ билан айлана шаклда берилган томошабинни қизиқтиради, ўша манзара ва ранглар айнан тўғридан-тўғри табиатдан кўзгуга акси тўшиб тургандай кайфият уйғотади.

Шу ўринда бир тақдир. Биз фарзандларимизни, мактаб ва коллеж ўқувчиларини баъзан тузуриқсиз шоу-концертларга олиб борамиз, бозорларни айлантирамиз, ҳайвонот боғини кўрсатамиз, лекин тарихий ёдгорликларга, музейларга, санъат асарлари кўргазмасига олиб боришни ҳаёлимизга келтирмаймиз. Аксарият кўргазмаларда ўқувчи, талаба ёшларини учратмаганман. Ахир, кўргазмалар ҳам маънавият, онг ва тафаккур ривожига муҳим рол ўйнайди.

Иҳодкор маълум бир доволарни заёт этгач, етуқлик палласига қиради. Кейинги йилларда куз ва ёз манзаралари, она Ватан табиати мусаввир Т.Ўроқов ижодида бош мавзуга айланади. Зеро, унинг янги асарлари кўргазмаси нафақат муаллиф ижодий ютуғидан, балки Сурхондарё мусаввирлик мактаби ривожланиб бораётганидан ҳам далolat беради.

Сафар ОМОН




## ФИДОЙИ МУЗЕЙШУНОС ЭДИ

Ўтқир Ермуҳаммедов Ўзбекистонда музей ишларининг ташкилотчиларидан бири эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари арафасида у музей соҳасига доир ишларини кўнгли билан ўрганиб, Ойбек уй-музейини ташкил этишга катта ғайрат ва шижоат билан киришди. Музей атоқли адибнинг 80 йиллиги арафасида тантанали равишда очилди. Шу кундан бошлаб Ойбек уй-музейи Ўтқир Ермуҳаммедовнинг тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги туфайли йирик маданият ва маърифат даргоҳларидан бирига айланди. У «Навоий ва Ойбек», «Ҳажон адабиёти ва Ойбек», «Улуғ ўзбек адиби ва жамоат арбоби» сингари мавзуларда кўча кўргазмалар яратиш, мамлакатимизнинг турли шаҳарлариданги ўқув юртлири ва ишлаб чиқариш корхоналарида кўйлаб адабий-маърифий кечалар уюштирди. Ўша йиллардаёқ Ойбек уй-музейида таниқли ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар ва маҳалла ахли иштирокида Наврўз байрамининг ўтказилиши Ўтқирнинг миллий қадриятларга бўлган уйғоқ меҳр-муҳаббатини намоён этган эди.

Таассуфки, кун кеча яхши ниятлар, орзу ҳаваслар билан кўнон юрган бу тиниб-тинчмас инсон бугун сафимизнинг тарк этди. Тасалло шуки, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўраётган маданият ходими Ўтқир Ермуҳаммедовнинг номи уни билганлар хотира-сида эл-юрт манфаати йўлида ёниб яшаган инсонлардан бири сифатида яшаб қолади.




Таассуфки, кун кеча яхши ниятлар, орзу ҳаваслар билан кўнон юрган бу тиниб-тинчмас инсон бугун сафимизнинг тарк этди. Тасалло шуки, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўраётган маданият ходими Ўтқир Ермуҳаммедовнинг номи уни билганлар хотира-сида эл-юрт манфаати йўлида ёниб яшаган инсонлардан бири сифатида яшаб қолади.

Нами КАРИМОВ

Анвар ОБИДЖОН

## БИЗГА БЕПАРВО ҚАДАХ...



## ҚАДАХ

Косағул, келтир косангни,  
майдаси расво қадах,  
Чудда қиз ахтарса Мижнун,  
биз учун Лайло қадах.

Бўлмаса ангор китобда —  
нос қозидек гариб,  
Бўш эса мазмун кўринмас,  
тўлса сермағно қадах.

Йўлдан урғай ким, билолмам,  
мендани ё унда айб,  
Ё имо қилдим қадахга,  
боқди ё бежо қадах.

Билганим — ўз ихтиёрим  
қолмағай бўлсам хумор,  
Кул бўлиб турсам киншанда,  
бонлаюр савдо қадах.

Ўн қадах майни ютарга  
бир газак гоҳо сабаб,  
Йўлга бир бодринг тўқилса,  
ёнида пайдо қадах.

Жонтикар чин ёри кимдир  
англамас, э воҳ, ҳануз,  
Бойга жилланглар жаранглаб,  
бизга бепарво қадах.

Неки уммон бор жаҳонда  
остига сайдик бурун,  
Неча зўр ғаввос тўбига  
етмаган дарё қадах.

Балки энг соз чора майдир  
этгани иблисин дан,

Беркинур Шайтон сумакка,  
қўзғаса ғавво қадах.

Майни ҳукм эттил қатлга  
шишани, соқий, очиб,  
Май тўқиб озимга ҳукминг  
айласин ижро қадах.

Боданинг захри магарким  
мисли “Меҳробдан чаён”,  
Менмудим мирзойи Анвар,  
улқиди Разно қадах?!

## ШОИРНИНГ ЁШЛИГИ

Устоз Эркин акага шоғир мутоибаси

“Менга бир одим Самарқанд,  
Бир хонали уй берди деб алдашди”,  
Якка тилонимда пинҳон  
чорласа бас бир сапам.

Ёғса тошлар, қўпса бўрон,  
жилла бундан ғам емам,  
Биргина ғам — йўлқирамдан  
ўзга йўқдир бир чақам.

Ўйласам, обший вағун ҳам  
қўқисим киноча бор,  
Чақда — жанжал, ўғда — қаҳ-қаҳ,  
бир — фароғат, бир — ситам.

Яхши йўлдошлар йўлиқса,  
сўрагим ирк, миллатин,  
Ўзбегу рус, турку тожиқ  
хамма улфат — бир одам.

Ўртада лек турса бола,  
дўст-иноқ бўлмоқ муҳим,  
Бир майиз қирқ дўстга еттай,  
бизга — шўрроқ бир карам.


Манзилимга бола кайфи  
бирла шодон инглай,  
Қолмасам бас ёрти йўлда  
турса бошқа бир мадам.

Камбағал шу ёшлигим зўр,  
бўлсаму бой, қарисам,  
Қай малак излайди бор деб  
Шошда шоир бир отам?!

“Шум бола чойхонаси”га

## КОМПЮТЕР ИХТИРОЧИСИГА

Нетар эдинг терлаб роса,  
Кампютер ихтиро қилиб,  
Кўпайтириб беролмас  
Қизни ксеро-қўйиб қилиб?



## ОДАМЛАР ВА БЕДАНА

Беданани қўйишмади ўз ҳолига,  
Илож қанча,  
Одамлар — хон, одамлар — зўр.  
Тақсимлангач жой “қанотли аҳоли”га,  
Бир уй теғди — таги қоқоқ, тенаси тўр.

Тўрқовоққа тижиб энди Беданани,  
Бир хонали уй берди деб алдашди.  
Лек одамлар ўзи  
Бундай бошпанани  
“Бир кишилик камера” деб аташди.

## БИР ЮЛГИЧНИНГ ЎФИЛЧАСИ

Сочиним керак Хотамдек,  
Йанишим керак одамдек,  
Бунинг учун одамларни  
Шўлишим керак отамдек.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАВАТДАН...

Пийшасини ташламай  
Қулаб бораркан ерга,  
Шошиб «ғўлқ-ғўлқ» ичди май  
Ботганича жиқ терга...

Энди, қулаш ҳам гўзал!

Гавдасига ишонманг, у  
жуда майда одам.

Олтин зангламайди, дейди,  
Олтинлигинизга шубҳа  
қила бошладим.

Унга телпақдан кўра  
рўмон ярашадим.

Кўча ҳавоси қанчалик му-  
аттар, ёқимли туюлмасин,  
вақт ўтиши билан уйингни  
қўмсайсан, ундан топадиган  
фароғатнинг ўрнини ҳеч ер-  
дан тополмаганини сезиб қолсан.

Сўзига эмас, амалига боқинг. Шун-  
да хато қилмайси.

Душманидаги фа-  
зилатни ҳам кўра бил-

жиз айтилмаган.



Кўнги — инсон рўҳида-  
ги дарахт. Баробар ўсади-  
улғади, ҳосил беради, вақт  
ўтиши билан интиҳога юз  
тутади — қуриди. Шу боис,  
уни фақат яхши мевалар  
беришига йўналтириб, пар-  
варши қилмоқ (ўрни келса,  
қайчилаб ҳам турмоқ) ло-  
зим.

Ҳам сенга, ҳам душ-  
манинга дўстлик  
қиладиган одам ё ожизлигидан ёки  
мақорлигидан бу йўлни тутган  
бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ун-  
дан яхшилик кутма.

## Сочмалар

Айримлар билан  
сухбатлашганимга

## ИНСОН РҲҲИДАГИ ДАРАХТ

ганлар юраги ёрғу кишилардир.

Ўзининг ноқобиллигини ҳис қилган  
мансабдор қобилиятли ходимни “па-  
на”да сақлашга интилади.

Бировга: “Сен ўзинг нима қилдинг?”,  
дея сўрагандан кўра,  
“Мен ўзим нима қилдим?”, дейиш  
адолатлироқдир.  
Бирок энг одил баҳони “сен” ё  
“мен” эмас, эл беради.

Фарзандлар бахт-саодатини ўйлаган  
она кўнги эмас, ақл етотида юради.

Ҳақиқий қиёфасини бекитаверади-  
ган киши қиёфасиз кимсага айлана-  
ётганини ўзи билармикан?

Ифбатни ҳашамдор кийимлар  
бозай олмгани каби юпунлик ҳам  
беномусликка эшик очавермайди.  
“Ахир, эгнинг йиртиқ бўлса-да, ий-  
монинг бутун бўлсин” деган гап бе-

маънавият, миллат, Ватан сингари  
улуғ тушунчаларни соғиниб кетасан  
киши. Нафсининг ботқоғига чуқайт-  
ганини ҳис қилиб, бўғила бошлайсан,  
тезроқ бундай суҳбатдошни тарқ-  
гинг келади.

Шундай бандалар тоифаси борки,  
бир пайтнинг ўзида Илон ва Ростгүй  
рўбарў келиб қолса, биринчи гада  
“Ростгүйни йўқотиш керак”, деган  
ақидага суяниб иш кўради.

Бу ишни эплай олганда эса  
турли хил маломатлар билан Рост  
сўзи бадном этишга уринади.  
Аmmo билмайдики, Яратганинг бир  
номи Ҳақ бўлиб, Ростлик йўлини  
тутганини ўзи асраб-ардоқлайди. Шу  
боис ҳам бу борада қазилган чо-  
ларга кўпинча аламзадаларнинг  
ўзлари тушиб кетадилар.

Салима УМАРОВА

Жанг ХУО

ИЛТИМОС,  
МЕНИ КЕЧИР

Ўшанда Сиао Ванг  
қундалигига шундай  
сўзларни ёзди: “Инглиз  
тилини мукамал ўр-  
ганиб олганимча ҳеч  
кимга севги изҳор қил-  
майман. Нафақат ин-  
глизча китоб, журналлар  
ни ўқиш тушунишим, балки  
бу тилда бемалол гап-  
лаша олишим ҳам ке-  
рак”.

Орадан бир йил ўтиб,  
Сиао Ванг эндигина йи-  
гирма олтига ҳарфини  
ўрганганидан сўнг, ама-  
кивачаси уни бир қиз  
билан таништириб  
қўйди. Натжидада инглиз  
тилини ўрганиши кечик-  
тирди-да, қундалигига  
яна бир неча сўз ёзиб  
қўйди:

“Севган қизим бўли-  
шига қарамасдан, чалги-  
майман, тил ўрганиши  
албатта охирига етказ-  
ман. Инглиз тили курси-  
ни тугатмасдан, уylan-  
майман...”

Яна бир йил ўтиб, мус-  
тақил курсни тугатиб ул-  
гурмай Сиао Ванг уylan-  
ди. Тўй кечаси у қундали-  
гини қўйга олди:

“Ҳозир менинг ас-  
тойдил ўқийдиган пай-  
тим келди. Ёшлигимда  
ғайрат кўрсатмаган,  
қарилгидега афсус қи-  
лади. Нима бўлса ҳам,  
инглиз тилини ўрганиб ол-  
маганимча болали  
бўлмайман”.

Орадан тўрт баҳор  
ўтди. Сиао Ванг “Са-  
лом”, “Раҳмат”, “Хайр”  
каби яна бир неча  
сўздан ташқари бошқа  
ҳеч нарсаи ўргана ол-  
мади. У бошқа одамлар-  
нинг болаларини қўриб,  
кўнглида янги ҳислар уй-  
ғонди. Бир кун хотини

билан маслаҳатлашди:  
“Биз ҳам болали бўлай-  
лик!”.

“Сиз инглизчани ях-  
шилаб ўрганганимча  
болали бўлмаймиз деб  
айтмаганмидингиз”, —  
деди хотини. “Эй, хотин,  
уни қара, одамлар бола-  
сини боғларда айлан-  
тириб юришибди. Қандай  
ажойиб-а! Бола бўлмаса  
бирибир ҳеч нарса тати-  
мас экан. Болали бўлсақ  
чалгимасдан ўқир  
эдим”.

Хотини рози бўлди.  
Сиао Ванг яна кечирим  
сўраб қундалик ёзди:  
“Худойим, мени кечир!  
Мен ўқиш режамни ту-  
гатмаган бўлсам-да, бо-  
лалик бўлмоқчиман, ле-  
кин қарорим ўзгармай-  
ди. Аксинча, фарзандли  
бўлсам, тил ўрганишим  
осон кечади. Бунга ваъ-  
да бераман”.

Сиао Ванг болали  
бўлди, энди у жуда банд.  
Уззуқун тинимсиз иш-  
лайди. Ишдан ташқари  
боласига қарашини, хоти-  
нига ёрдам бериши ке-  
рак. Баъзан ўзини маж-  
бурлаб китобни очади-  
да, бироқ, кўзларини оча  
олмайди...

Сиао Ванг яна қундали-  
гига бир неча жумла ёзиб  
қўйди:  
“Бўлган иш бўлди, ўтган  
ишга саловат, лекин ҳали  
вақт бор. Эндигина йигир-  
ма саккизга кирдим, болам  
катта бўлаверсин, ўқишини,  
ўрганишини давом эттира-  
ман! Инглизчани мукамал  
ўрганиб оламан...”

Хитой тилидан  
ЎЗМУ талабаси  
Нигора СОЛИЕВА  
таржимаси

## “ШЧ” китоб жавонига

Бир тоифа кишилар борки, улар том маъ-  
нодаги ижодкорлик даъвосини қилмасалар  
ҳам адабиётга, бадиий асарлар ёзишга кат-  
та ихлос билан қарашади ва бу соҳада имко-  
ният даражасида қалам тебратишни хошла-  
шади. Техника фанлари доктори, профессор  
Муҳаммадjon Тошболтаев ҳам ана шундай  
адабиёт шинавандаларидан биридир. У, ав-  
вало, жуда серқунт китобхон, ўзбек ва жаҳон  
адабиёти англичиларидан мунтазам хабар-  
дор бўлиб боради, шу билан биргаликда,  
ўзининг кичик ҳижоялари, мақолалари, куза-  
тишлари билан матбуотда мунтазам қатна-

шиб келади. Олим яқинда бу борадаги ил-  
мий-ижодий кузаатишлари, фикр-муло-  
ҳазаларини икки китоб шакли-  
да нашр эттирди. “Фикрат  
ҳосилалари” деб номланган  
биринчи китобда унинг илм ва  
уни эгаллаш, китоб мутолааси  
ва бошқа муҳим мавзулардаги  
фикр-мулоҳазалари қисқа ҳижоя-  
лар, парчалар, ҳикматли ибора-  
лар тарзида баён этилади.

“Олимлик — увнов эмас, мар-  
таба ҳам эмас, — деб ёзади му-  
аллиф. — Менимча, олимлик —  
узук давом этадиган машаққатли меҳнат  
қочмоғига ўзини ихтиёрли равишда топшириш-  
дир”. Бу мавзёга эришиш учун эса, “Йиллар  
давомида илм йўлининг бошдан одоғича  
ҳеч қандай қўмқасиз ўзи юриб ўтиб, унинг  
қўқ-яқинлиги ва оғир-енглигини бутун  
борлиги билан ҳис этиши лозим”лиги ўқти-  
рилади. Унинг устоз-шоғирлик борасида  
келтирилган фикрлари ҳам ўзига хосдир:  
“Ҳақиқий шоғирд устозининг билим ва таж-  
рибасига ҳурмат билан қарайди, унинг иш-  
ларини давом эттиради ва энг асосийси,  
фанда ўз йўналишини яратади”, дейди у.

“Ҳаёт тўй ҳам, аза ҳам эмас: ҳаёт — қувонч-  
ли дамларда осмонга сапчмасдан, қайгули

бел боғлайди. Мисол учун, “Мажнунтол”,

“Гуваляк”, “Ўзига яраша баҳоси  
бор” каби ҳажвий лавҳа-  
ларда “Ўзига яраша” ҳаж-  
вий кулги мавзуд. Муал-  
лифининг “Қайроқи фикр-  
лар”, “Тилингни қини йўқ”,  
“Беминнат маслаҳатлар”,  
“Антика эълонлар”, “Илмоқли  
гаплар” каби умумий руқна-  
лор остида берилган кичик-кичик  
ҳажвий катрларидан ҳам тур-  
мушнинг маълум бир масалала-  
ни хусусидаги кузаатишу фикр-  
ларини кетма-кет келтиривериш ҳам бу  
халининг кўринишларидан биридир. Биз ада-  
бий ижоднинг чин илосманди бўлган муал-  
лифга ҳаётни бадиий идрок этиш соҳасида  
ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Мирзо Улғубек тумани Кары Ни-  
язов кўчаси, 17 уй, 16 хонадонга  
тегишли Максудова Доима Тураев-  
на номига 23.06.1998 йилда, № 04-  
01/20612 рақам билан берилган  
уйга эгаллик қилиш ҳужуқини беву-  
қчи давлат ордери ва уй плани йўқол-  
гани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод тумани  
Хокимияти қошидаги Тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатдан ўтказиш  
инспекцияси томонидан рўйхатга  
олинган Тошкент шаҳар Моштаб  
кўчаси 7-уйда жойлашган “TITAN  
BIZNESS” МЧЖ (ИНН-202 982 140)  
ТУГАТИЛАДИ (таъсисчиларнинг  
01.07.2010 йилдаги қарорига муво-  
фиқ). Давволар эълон чиққан кун-

дан бошлаб икки ой мuddат ичида  
қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели тумани  
№ 35 мактаб томонидан 1990 йил  
№ 275950 рақам билан Яқушқин  
Леонид Степанович номига берил-  
ган аттестат йўқолгани сабабли,  
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Янгийул тумани  
томонидан 2007 йил 20 августда  
4-сон, Т/Р 336 рақам билан  
“KOLPFARM” МЧЖга берилган ни-  
зом ва таъсис шартномаси йўқол-  
гани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туман БТИ томонидан  
Юнусобод-5, 12-уй, 70-хонадонга

ТАБАССУМ  
ЗАРГАРИ

Тақдимот

Таниқли ҳажвчи,  
Ўзбекистон ҳаётичи  
Ниямат Аминовнинг  
номи айтилиши билан  
киши тасавурида дар-  
ҳол кулги пайдо бўлади.  
Ўз-ўзидан Ниямат Ами-  
нов яратиб кетган турфа  
характерли қаҳрамонлар  
кўз ўнгингиздан ўта  
бошлайди. Ё бўлмаса бу  
зукко инсоннинг бирор  
бир кулгига йўғрилган  
ҳангома, кулгиси ёгда тушади.  
Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт матба-  
а-ижод уйида мазкур нашри-  
ётда чоп этилган “Табассум  
заргари”  
(Ниямат Аминов замондошлари хотирасида)  
китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимот  
маросимида сўзга чиққан таниқли олимлар ва  
ижодкорлар Нажмиддин Комилов, Ўткир  
Хошимов, Анвар Обиджон, Хуршид Дўстму-  
хаммад, Омон Мухтор, Борий Раҳимов, Нар-  
зулла Жўраев, Раҳматилла Шералиев, Шў-  
рат Ризаев, Ашурали Жўраев, Лазиз Тангриев  
китобнинг мазмун-мундарижаси, адибнинг сўз  
санъаткори сифатидаги ёрқин маҳорати  
ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдири-  
лар, адиб ҳақидаги хотираларидан сўзлади-  
лар.

“Табассум заргари”ни Ашурали Жўраев  
тўплаб, нашрга тайёрлаган. Китоб бундан  
аввал чоп этилган шу туркумдаги асарлардан  
фарқли равишда фақат хотиралар билан че-  
кланиб қолмаган. Адибнинг ўзи билан боғлиқ  
ҳангомалар ва қундалиларидан саҳифалар  
критикларнинг китоб мавзулари ранг-барангли-  
ги ва мазмундорлигини таъминлаган.

А. ОЧИЛОВ

Юнусобод-2, 13-уй, 16-хонадон-  
га тегишли Хвалёв Игорь Игнатьевич  
номига 10.12.1992 йил, № 10-02/  
488 рақам билан берилган уйга эгал-  
лик қилиш ҳужуқини бевуқчи давлат  
ордери ва уй плани йўқолгани са-  
бабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“LIBERTY TRANS SERVICE”  
МЧЖ реестр рақами № 004633-  
11 17.06.2009 йил ИНН-207 002  
287 ўз устав фондидан 766 500  
000 сўмдан 652 214 850 сўмга  
камайлганлигини маълум қи-  
лади. Давволар эълон чиққан кун-  
дан бошлаб бир ой мuddат ичи-  
да Бобур кўчаси 77-уйда қабул  
қилинади.

Собир Раҳимов тумани Чимбай кўча-  
си, 1 уй, 33 хонадонга тегишли Муҳа-  
медова Умир Этамбердиевна номига  
берилган уйга эгаллик қилиш ҳужуқини  
бевуқчи давлат ордери, уй плани ва  
олди-соти шартномаси йўқолгани са-  
бабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮНМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ  
ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ»  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:  
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48  
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўйилмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.  
Муаллифлар фикр таҳририят туфтиги назаридан ўтказилиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулҷеҳра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. А — 4995. Буюртма Ғ — 648. Ҳажми — 5 босма  
табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА  
НАРХИ  
ЭРКИН